

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ЮЛДАШОВ БАХТИЁРЖОН АБДУГАНИЕВИЧ**

**НОТУРҒУН СТЕНОКАРДИЯЛИ БЕМОРЛАР ТОЖ АРТЕРИЯЛАРИНИ  
ТУРЛИ ХИЛ ИМПЛАНТЛАР БИЛАН СТЕНТЛАШНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Юлдашов Бахтиёржон Абдуганиевич**

Нотурғун стенокардияли беморлар тож артерияларини турли хил имплантлар билан стентлашнинг самарадорлиги..... 5

**Юлдашов Бахтиёржон Абдуганиевич**

Эффективность стентирования коронарных артерий различными типами имплантов у больных нестабильной стенокардией..... 26

**Yuldashov Bakhtiyorjon Abduganiyevich**

Efficiency of coronary artery stenting with various types of implants in comparison with bioresorbable scaffolds in patients with unstable angina pectoris ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ЮЛДАШОВ БАХТИЁРЖОН АБДУГАНИЕВИЧ**

**НОТУРҒУН СТЕНОКАРДИЯЛИ БЕМОРЛАР ТОЖ АРТЕРИЯЛАРИНИ  
ТУРЛИ ХИЛ ИМПЛАНТЛАР БИЛАН СТЕНТЛАШНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида №B2019.1.PhD/Tib750 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Юлдошев Набижон Пиримович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** **Тулабаева Гавхар Миракбаровна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Роберт Жулиан Гил**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Польша)

**Етакчи ташкилот:** **Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жаррохлик илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс: (+99871) 234-16-67, e-mail: [cardiocenter@mail.ru](mailto:cardiocenter@mail.ru)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс: (+99871) 234-16-67, e-mail: [cardiocenter@mail.ru](mailto:cardiocenter@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Д.Курбанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

**Г.У.Муллабаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.Х.Абдуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда ҳозирги вақтда юрак қон-томир касалликлари жуда кенг тарқалган бўлиб, муболағасиз пандемия тусига кирмоқда. ЖССТ экспертларининг маълумотлари бўйича ер юзида ҳар 32 сонияда юрак қон-томир касалликлари оқибатида бир ўлим содир бўлади. 1 йил давомида юрак қон-томир касалликлари оқибатида 17,9 миллион ўлим ҳолатлари кузатилиб, бу аҳоли умумий ўлимининг 31 фоизини ташкил қилади. Нотурғун стенокардия - бу ўткир коронар синдромнинг (ЎКС) энг кўп учрайдиган кўринишларидан биридир ва ўткир коронар етишмовчиликнинг барча эпизодларининг 75-80% ни ташкил қилади (Ю.В. Никифоров ва бошқалар, 2014й.). Нотурғун стенокардия билан оғриган беморларда ўлим даражаси анча юқори бўлиб йил давомида 9-12% ни ва ўткир миокард инфарктини ривожланиш даражаси 12-20% ни ташкил қилади. OASIS регистри шуни кўрсатадики, кузатувнинг дастлабки уч ойида ўлим хавфи ва такрорий ишемия эпизодлари ривожланиши юқори, аммо ўлим, ЎМИ ёки инсултнинг пайдо бўлиши камида икки йил давомида юқориликгича (йилига 7%) қолади<sup>1</sup>.

Шу муносабат билан дунёда ушбу кўп қиррали ва мураккаб муаммони ўрганиш орқали ушбу асоратлар хавфини камайтирадиган ёндошувларни излашга қаратилган коронар қон оқими ўткир бузилиши патофизиологик механизмларини, касаллик ва унинг асоратларини шаклланишида иштирок этувчи омилларни ўрганишга бағишланган кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда нотурғун стенокардияда миокардни ревазуляризация қилиш бўйича тери орқали аралашувининг замонавий усулларини қўллаш орқали касаллик диагностикаси ва даволаш чораларини такомиллаштириш энг долзарб муаммолардан биридир.

Сўнги йилларда бизнинг мамлакатимизда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича кенг қўламли комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожлантириш Ҳаракатлар Стратегиясининг 5 та устувор йўналишларида қуйидаги вазифалар қўйилган: “Соғлиқни сақлаш тизимини, биринчи навбатда, тез ва шошилишч тиббий ёрдамни, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизматларнинг мавжудлиги ва сифатини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган ислохотларни янада кучайтириш, аҳоли

---

<sup>1</sup> ESC Scientific Document Group. 2018 ESC/EACTS Guidelines on myocardial revascularization. Eur. Heart J. 2019; 40(2): 87-165. DOI: 10.1093/eurheartj/ehy394

ўртасида касалланишни камайтириш ва ҳаёт давомийлигини узайтириш”.

Ушбу диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги – № ПФ 4947 сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишдаги ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги “Ноинфекцион касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзи ва аҳолини жисмоний фаоллик даражасини ошириш” бўйича чора тадбирлар тўғрисидаги ва бошқа ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш учун хизмат қилади<sup>2</sup>.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертация иши VI "Тиббиёт ва Фармакология" йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида олиб борилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Нотурғун стенокардиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши патогенетик механизмларини ўрганишга ҳамда уни даволашни оптималлаштиришга бағишланган кўплаб илмий-текшириш ишлари мавжуд (Бузиашвили Ю.И. ва ҳаммуаллифлар, 2016; Шляхто Е.И.; Grundeken M., 2019). Касаллик патогенезини, клиник белгилари ва шакллари етарли даражада ўрганилганига қарамай нотурғун стенокардияда катор ечилмаган масалалар, шу жумладан уни даволаш, интервенцион усулларни қўллаш бўйича бир қатор ҳал этилмаган муаммолар мавжуд (Алекян Б.Г., 2017; Бабунашвили А.М., 2017; Bryne R.A. 2017; Gil J.R., 2018). Бугунги кунда терапевтик даволаш усуллари тарафдорлари ва минимал инвазив жаррохлик бўйича мутахассислар ўртасида тактикага оид мунозаралар мавжуд. Ушбу тадқиқотлардаги асосий камчилик – бу консерватив стратегиядан инвазив усулга ўтишнинг кўплиги ва шунга мос равишда консерватив даволаниш гуруҳида тез-тез реваскуляризация ҳолатларини мавжудлиги (33-49 % гача) (Capodanno D., 2018).

Нотурғун стенокардия билан оғриган беморларни даволашга замонавий ёндашувлар касалликнинг ривожланишини ва унинг асоратларини олдини олиш, юқори технологияли эндоваскуляр усулларни қўллашни кенгайтириш тамойилларига асосланади (Акчурин Р.С., 2014; Ferenc M. ва бошқалар, 2015; Waksman R., 2017). Сўнгги пайтларда, нотурғун стенокардияда касалликни эрта ташхислаш ва эндоваскуляр даволаш усулларини эрта қўллаш, ангиноз

---

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони

хуружнинг бошланишидан то стентлаш амалиётининг бошланишигача бўлган вақт оралиғини камайтириш, яқин ва узоқ муддатли олинган натижаларга, беморлар умри давомийлиги ва ҳаёт сифатига ҳамда касаллик прогнозига ижобий таъсирини тасдиқловчи маълумотлар кўпаймоқда.

Ўзбекистонда юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларга эндоваскуляр даволаш усуллари кўллаш бўйича Зуфаров М.М., Алимов Д.А., Аляви Б.А., Юлдошев Н.П. ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришади. Илгари олиб борилган илмий тадқиқот ишларида юрак ишемик касаллигининг турли клиник шаклларида эндоваскуляр реваскуляризация (стентлаш) усулининг самарадорлиги, клиник-функционал кўрсаткичлар, узоқ муддатли натижаларининг беморлар жинси, зарарланган томирлар сони, кўлланилган стентлар турига ва II – турдаги қандли диабет касаллиги билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Бироқ юқоридаги тадқиқотларда нотурғун стенокардия билан оғриган беморларда рентген-морфологик хусусиятларни, шу жумладан уни турли шакллари баҳолаш бўйича маълумотлар йўқ. Бундан ташқари нотурғун стенокардияда имплантларни танлаш ва бошқа турдаги қурилмаларнинг самарадорлиги, шу жумладан сўрилувчан каркасларни узоқ муддатли самарадорлиги бўйича таҳлиллар ўтказилмаган.

Нотурғун стенокардияда коронар артериялар зарарланишининг патогенетик омилларини аниқлаш, бу омилларни касаллик “хатари” ва прогнозидаги ролини ўрганиш ва шу асосда даволашнинг энг оптимал усулини кўллаш касаллик асоратларини, прогнози ёмонлашишини олдини олади ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб мамлакатимизда замонавий кардиологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири нотурғун стенокардия билан оғриган беморларга коронар артерияларни рентген-морфологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда миокард реваскуляризациясида турли имплантлар кўллашни оптималлаштириш ушбу касалликни даволашда алоҳида ёндошув бўйича даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш энг долзарб муаммодир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти АДСС 15.13.5. “Юрак ишемик касаллигининг оғир шаклларида агрессив медикаментоз терапия самарадорлигига қийинлашган ҳолда артерияларни кўп томирли ва/ёки ўзак томирли торайишларида стентлаш усуллари ишлаб чиқиш” фундаментал лойиҳаси бўйича бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** нотурғун стенокардияли беморларнинг коронар артерияларни турли хилдаги имплантлар билан стентлашнинг клиник-гемодинамик ва ангиографик самарадорлигини баҳолашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

нотурғун стенокардияли беморларда унинг клиник шаклига боғлиқ ҳолда ангиографик ўзгаришларни хусусиятларини аниқлаш;

нотурғун стенокардияни турли клиник шаклларида юрак ичи гемодинамикаси, ангиографик ўзгаришлар ва биохимик кўрсаткичлар орасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш;

тадқиқотнинг яқин ва узоқ босқичларида коронар артерияларни стентлашдан кейинги яқин ва узоқ муддатларда беморлар ҳаёт сифати динамикасини баҳолаш;

нотурғун стенокардияли беморларни коронар артерияларни стентлашдан кейинги яқин ва узоқ муддатларда ўрнатилган стентлар турларига боғлиқ ҳолда ангиографик, клиник ва гемодинамик самарадорликни баҳолаш;

клиник-гемодинамик, ангиографик кўрсаткичлар ва беморлар ҳаёт прогнози асосида нотурғун стенокардияли беморларни турли стент имплантлари ёрдамида даволаш тактикаси алгоритминини ишлаб чиқиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази кузатувида бўлган 167 нафар ЮИК билан касалланган беморлар олинган, улардан 134 нафар эркак, 33 нафари аёл.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида анамнез, объектив текширув натижалари, ангиография маълумотлари, эхокардиография кўрсаткичлари, ёғлар алмашинуви кўрсаткичлари ва коагулограмма, шунингдек беморларнинг ҳаёт сифати материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, биокимёвий, инструментал, ангиографик текшириш усуллари, анкеталар ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор нотурғун стенокардиянинг турли клиник шаклларида ангиографик суратнинг рентген-морфологик хусусиятлари аниқланган;

нотурғун стенокардияни клиник кечиши, зарарланган коронар томирлар ангиографик сурати ва юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқлик исботланган;

нотурғун стенокардияни турли клиник шаклларида коронар томирларни стентлашдан кейин яқин ва узоқ муддатларда бу усулнинг клиник самарадорлиги исботланган.

нотурғун стенокардия билан оғриган беморларда турли хил стентларни дифференциал қўллашга қаратилган ёндошув ҳамроҳ касалликларни инобатга олган ҳолда қўллаш орқали такомиллаштирилган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

нотурғун стенокардияли беморларда коронароангиография усули билан аниқланган рентген-морфологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли хил имплантларни қўллаш орқали миокардни реваскуляризация қилиш усули амалиётига ёндошув оптималлаштирилган.

ушбу беморларда касалликнинг турли клиник шаклларига боғлиқ ҳолда регионал қисқарувчанликнинг 16 сегментли баҳолаш усули тадбиқ этилган;

нотурғун стенокардияли беморларни турли имплантлар ёрдамида даволашда нохуш оқибатлар предикторлари ишлаб чиқилган.

нотурғун стенокардияли беморларни даволашда узоқ муддатларда асоратларни ва ўлим ҳолатларини камайтиришда ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашда турли хил стентларни қўллаш бўйича ишлаб чиқарилган алгоритмлар такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, шунингдек замонавий статистик усуллардан фойдаланган ҳолда клиник, биокимёвий, инструментал ва ангиографик тадқиқотлар бўйича рақамли маълумотларни қайта ишлаш билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** қуйидагилардан иборат:

назарий жиҳатдан бу тадқиқот нотурғун стенокардияни патофизиқ механизмларини, гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли бўлмаган ягона томир стенозлари ва кўп томирли зарарланишларда, яъни коронар артериялардаги атеросклеротик жараёни ривожланиш даражасини юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичлари билан боғлиқлиги бўйича билимларни тўлдиради. Бу эса ўз навбатида ушбу касаллик ва уни асоратларини олдини олиш бўйича назарий ва амалий билимларни ривожлантиришга имкон беради.

тадқиқотнинг амалий натижаси тери орқали коронар аралашув ва стентлаш муолажасини эрта амалга ошириш, қўйилаётган стент турига боғлиқ бўлмаган ҳолда стентлашдан кейинги яқин ва узоқ даврларда ижобий клиник-гемодинамик самарадорлик берувчи табақаланган даволаш алгоритминини ишлаб чиқилганидан иборат. Олинган натижаларни қўллаш нотурғун стенокардияни эрта ташхислаш, тери орқали аралашув стентлаш усулини эрта қўллаш, касаллик кечишини прогноз қилиш ва нохуш ҳолатларни олдини олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** НС билан оғриган беморларни турли имплантлар билан стентлашнинг самарадорлиги асосида олинган илмий натижалар бўйича қуйидаги услубий тавсиянома ишлаб

чиқилган ва тасдиқланган: "Нотурғун стенокардиянинг турли шаклларида интервенцион аралашув усулини танлаш алгоритми" (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020-йил 29 июлдаги № 8н-з/92 сонли хулосаси);

Илмий натижаларнинг амалиётга киритилиши турли шаклдаги НС да имплантация қилинган ҳар хил турдаги имплантларни ўрнатишда танланган шахсий тактикани аниқлашга, бу эса ушбу патологияси бўлган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш, касалликнинг кечиши ва прогнозини яхшилаш, асосий юрак қон-томир асоратлари ва қайта касалхонага ётқизиш ҳолатларини камайтириш имконини беради.

Турли хил имплантлар билан коронар артерияларни стентлаш самарадорлигини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар амалиётга киритилган ва РИКИАТМ нинг Наманган филиали ва Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолиятида қўлланилмоқда.

Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш, салбий клиник ва ангиографик прогнозларни эрта аниқлашга, НС билан оғриган беморларда эндоваскуляр усулларни оптималлаштиришга ва касалликнинг кечилишини, ҳаёт сифати ва прогнозини яхшилашга, асоратларнинг 1,3 мартага, касалхонага ётқизиш сонини 2,1 мартага ва даволаниш давомийлигини 2 баробар яхшилашга имкон берди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020-йил 29 июлдаги № 8н-з/92 сонли хулосаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар нашр қилинган бўлиб, жумладан 10 та мақола, 8 таси республика ва 2 таси хорижда докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 бет.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ**

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республикадаги фан ва технологияларини устувор йуналишларига мослиги кўрсатилган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги ва натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиғи, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Нотурғун стенокардия муаммоларининг ҳозирги ҳолати"** деб номланган биринчи бобида мавзунинг асосий аҳамиятини ёритишда хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг замонавий натижаларидан иборат бўлган тўрт сарлавҳадан ташкил топган адабиётлар шарҳи, НС нинг турли таснифлари, унинг турли клиник шакллари ва замонавий даволашнинг турли қирралари баён этилган.

**"Клиник материалнинг умумий тавсифи ва текшириш усуллари"** деб номланган бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи, қўлланилган клиник, лаборатор, функционал ва ангиографик текширув усуллари батафсил баён этилган.

Тадқиқотга Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида клиник, функционал ва ангиографик тадқиқотлар ўтказилган 167 бемор киритилган. Респондентларнинг ўртача ёши  $57,41 \pm 8,85$  ёш. Қуйидаги ҳолатларда беморлар тадқиқотга киритилмаган: анамнезда стентлаш амалиёти ёки АКШ ўтказган, аорта аневризмаси, жаррохлик даволаш усули талаб қиладиган клапанлар патологияси; чап қоринчани ривожланган систолик дисфункцияси ( $ФВ < 35\%$ ); юракнинг декомпенсациялашган етишмовчилиги; антикоагулянтлар/дезагрегантларга толерантлиги йуқ беморлар; бифуркацион ёки кўп томирли зарарланишлар, коронар оқимни ўзакли зарарланиши; кардиоген шок; SYNTAX шкаласи бўйича ўртача ва юқори хатарга эга бўлган беморлар.

Беморлар 12 ой назоратда бўлишган. Тадқиқотнинг ўзи уч босқичда бажарилган: дастлабки босқич, 6 ой ва 12 ой. Дастлабки босқичда турғун зўриқиш стенокардияли, НС ва унинг айрим клиник шаклларида барча клиник, функционал, лаборатор ва ангиографик текширувлар натижалари солиштириш орқали баҳоланди. 6 ва 12 ойлик босқичларда НС билан оғриган беморларнинг барча маълумотлари ҳар хил шаклларда ва ўрнатилган имплантлар турига қараб баҳоланди.

Беморларнинг рентген-морфологик хусусиятларини баҳолаш учун коронар томирларни селектив ангиографияси (КАГ) қуйидаги ангиографик параметрларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди: торайишнинг фоизи, стенотик зарарланишлар сони, стенотик зарарланишларнинг АСС/АНА бўйича таснифи, шикастланишнинг локализацияси (проксимал, ўрта, дистал) ва артерия диаметри. Коронар артерияларнинг асосий ҳавзаларининг зарарланишлари ўрганилди: олдинги қоринчалараро шох (ОҚШ), қайилувчи

шоҳ (ҚШ), тўмтоқ қирра шоҳи (ТҚШ), оралик артерия (ОрА), ўнг коронар артерия (ЎКА), орқа қоринчалараро шоҳи (ОрҚШ) ва орқа ён шоҳи (ОЁШ).

Сўрилувчан каркасларни (bioresorbable vascular scaffolds-BVS) ни ўрнатиш чоғида мосламаларнинг керакли ҳажмини аниқлаш учун перлинганит (200 мкг) эритмасини интракоронар юборилганидан сўнг миқдорий коронар ангиография (МКА/QCA) ўтказилган.

КАГ нинг бевосита натижалари ангиографик ва клиник муваффақиятни баҳолаш орқали таҳлил қилинди. КАГ нинг ўрта ва узоқ муддатли натижаларини баҳолаш учун биз ўз ичига қуйидагиларни олувчи: стент тромбози, нишондаги томирни реваскуляризацияси, нишондаги томирни миокард инфаркти ва кардиал ўлим, МАСЕ жадвалидан фойдаландик (major adverse cardiac events - юракнинг жиддий салбий ходисалари).

Натижаларни статистик қайта ишлаш Pentium-IV шахсий компьютерида «Statistica-6.0» пакетлар дастуридан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Статистик ноаниқликни олдини олиш учун таҳлил клиник белгиларнинг нормал тақсимланишини текшириш билан бирга олиб борилди. Иккала гуруҳнинг (назорат ва экспериментал) арифметик воситаларини таққослаш учун t-Стьюдент тестидан фойдаландик. Кўрсаткичлар ўртасидаги муносабатларнинг мавжудлигини баҳолаш учун Пирсон корреляция коэффициентини ҳисоблаш билан корреляцион таҳлил ўтказилди. Сифат характеристикалари ўртасидаги фарқларнинг аҳамиятини таҳлил қилиш учун  $\chi^2$  мезонидан фойдаланилди. Фарқлар  $p < 0,05$  да аҳамиятли деб топилди.

Диссертациянинг учинчи бобида "нотурғун стенокардия ва унинг бошқа шаклларида ангиографик маълумотларни клиник-функционал таҳлил қилиш" НС ва юрак қон-томир етишмовчилиги билан оғриган беморларда, шунингдек НС нинг ҳар хил шакли мавжуд беморларда умумий клиник, функционал ва рентген-морфологик хусусиятларнинг қиёсий таҳлили келтирилди. Ўрнатилган имплант турига қараб умумий клиник, функционал ва рентген-морфологик хусусиятларнинг динамикаси тавсифланди.

Дастлаб, беморлар 2 гуруҳга бўлинди: 1 гуруҳ (назорат) – турғун зўриқиш стенокардияси (ТЗС) бўлган 60 бемор ва 2 гуруҳ (асосий) - НС билан 107 нафар бемор. Гуруҳлар нозологик тузилиш бўйича таққосланди. Қиёсий жиҳатдан ангиографик маълумотларнинг кенг қамровли баҳоланиши беморларнинг иккала гуруҳида (85% дан юқори) ОҚШ шикастланиши устунлик қилганлигини аниқланди. ЎКА энг кўп зарарланган артериялар орасида иккинчи ўринда эди, аммо НС билан касалланган беморларда бу бассейн назорат гуруҳига қараганда 4,5% кўпроқ зарарланган эди ( $p > 0,05$ ). НС билан касалланган беморларда ҚШ ҳавзасининг шикастланиши, аксинча, 1-гуруҳ беморларига қараганда 5,2% камроқ қайд этилди. ТҚШ

шикастланишлари назорат гуруҳига қараганда 1,1% камроқ қайд этилган (иккаласи ҳам  $p > 0,05$ ). ҚШ, ОрҚШ, ОЁШ ҳавзалари зарарланиши камдан кам қайд этилди, уларнинг дуч келиши иккала гуруҳда ҳам 3% дан кам ҳолатларни ташкил этди.

Стенокардияни шаклидан қатъий назар, текширувдан ўтганлар орасида, битта томир шикастланишлари ҳолатларнинг 2/3 қисмини ташкил этди ва икки томирли шикастланишлар ҳолатларнинг 1/3 қисмини ташкил этди. Шунга қарамай, НС билан оғриган беморларда 1 бемор учун қон- томир зарарланишининг ўртача кўрсаткичи ТЗС билан оғриган беморларга қараганда бироз юқорироқ ( $p > 0,05$ ).

Коронар артериялар стенозининг ўртача фоизини ҳисоблаш шунини кўрсатдики, НС билан оғриган беморларда ва камдан-кам учрайдиган ҳавзаларда бу кўрсаткич энг юқори. Шундай қилиб, ОА ва ОЁШ билан зарарланган бассейнда 1 та ҳолатда ва фақат НС билан оғриган беморларда стенознинг ўртача фоизи 90% ни ташкил этди. НС билан касалланган 3 беморда юзага келган ОрҚШ стенотик шикастланиш даражаси  $90,00 \pm 5,00\%$  ни ташкил қилди. Стенознинг ўртача фоизи 2-гуруҳ беморларида ЎКА ҳавзаси 1-гуруҳ беморларига қараганда 4,4% га кам ( $p < 0,05$ ).


Зарарланиш турларини АСС/АНА таснифига кўра таҳлил қилиш шунини кўрсатдики, А-тип торайиш НС билан оғриган беморларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳларида 29,0% ва 21,7% ни ташкил қилди, С-тип торайиш эса аксинча назорат гуруҳидаги яни ТЗС ли беморларда беморларда кўпроқ кузатилган (мос равишда 1 ва 2 гуруҳларда 78,3% ва 72,0%). В-тип торайишнинг учраши 1-гуруҳ беморларида ҳам, 2-гуруҳ респондентларида ҳам бир хил даражада кузатилган (40% дан юқори). Бироқ, аниқланган хусусиятлар ишончлилиқ даражасига эришмади, барчаси  $p > 0,05$  (1-жадвалга қаранг). Назорат гуруҳидаги барча стенотик сегментларнинг умумий таркибий қисми 86 ни ва асосий гуруҳда 153 ни ташкил этди. Бир беморга стенотик сегментларнинг ўртача сонини ҳисоблаш ТЗС беморларда ҳам ва НС ли беморларда ҳам бир хил эканлигини кўрсатди (қиймати = 1,43 га тенг), яъни стенокардиянинг ҳар хил турларига қарамай, ҳар бир бемор учун стенозланган сегментларнинг ўртача сони тенг эди.

SYNTAX ва TIMI шкаласи бўйича ўртача баллни ҳисоблаш ҳам таҳлил қилинган бемор гуруҳларида жиддий тафовутларни аниқламади. Белгиланган шкаладаги балларнинг фарқи 0,26 ва 0,27 баллни ташкил этди (иккаласи ҳам  $p < 0,05$ ).

Ўнг томонли қон таъминоти (ЎТҚТ) энг кўп ҳолатларда қайд этилган ва мос равишда 1 ва 2 гуруҳларда 86,7% ва 85,1% га тенг. Умуман олганда,

кўриб чиқилганлар орасида чап ва мувозанатли турдаги қон таъминоти текширилганларни 10% дан камини ташкил қилди.

НС шаклига қараб ангиографик хусусиятларнинг батафсил таҳлили асосий гуруҳни учта кичик гуруҳларга бўлиш орқали амалга оширилди: А-кичик гуруҳ - АОБС билан 84 киши; В-кичик гуруҳ - 12 та БПБС; С-кичик гуруҳ - 11 та ЭИСС ли беморлар. Ушбу позициялардан маълум бўлдики, ҳар уч кичик гуруҳда ОҚШ ҳавзаси шикастланиши устунлик қилади, бу АОБС ва ЭИСС билан касалланган беморлар орасида 90% дан кўпроқни ва БПБС билан касалланган беморларнинг 50% ни ташкил қилади. ЎКА зарарланиш частотаси бўйича иккинчи бассейн бўлиб чиқди, аксарият ҳолларда бу БПБС (41,7%) беморларда қайд этилди. ҚШ ҳавзасидаги шикастланишлар кўпинча В-гуруҳ аъзолари орасида қайд этилган (БПБС билан оғриган беморларда 25,0%, АОБС билан оғриган беморларда 10,7% ва ЭИСС билан оғриган беморларда 18,2%). ТҚШ, ОРА, ОРҚШ ва ОЁШ ҳавзаларининг зарарланиши 10% дан камини ташкил қилди (1-расмга қarang).



1-расм. НС шаклидан келиб чиқиб тож томирларнинг зарарланиш частотаси.

Яъни, НС да касалликнинг шаклидан қатъи назар ОҚШ, ЎКА ва ҚШ энг кўп зарарланадиган ҳавзалар эди. БПБС ҳолатида ЎКА ва ҚШ ҳавзаларининг зарарланиши АОБС билан солиштирганда 2 марта ва ЭИСС га қараганда 1,5 баравар кўпроқ қайд этилди.

НС шаклига боғлиқ бўлган коронар артерияларнинг стенозининг ўртача фоизини ҳисоблаш ОҚШ ҳавзасида бу кўрсаткич БПБС учун энг паст кўрсаткич бўлиб 81% ни ва ЭИСС учун энг юқори бўлиб 90% ни ташкил этди. А-кичик гуруҳида SYNTAX шкаласи бўйича ўртача балл  $9,14 \pm 3,98$ ; В-кичик гуруҳда -  $9,44 \pm 4,51$  ва С-кичик гуруҳда -  $8,09 \pm 1,38$  баллни ташкил этди. TIMI шкаласи бўйича ўртача балл  $1,77 \pm 0,73$ ; А, В ва С-кичик гуруҳларда мос равишда  $1,29 \pm 0,49$  ва  $1,45 \pm 0,69$  баллга тенг.

АОБС билан оғриган беморларда ўнг томонлама қон таъминоти кўп учраб 73 ҳолатда (86,9%), БПБС билан оғриган беморларда - 9 та ҳолат (75,0%) ва ЭИСС билан оғриган беморларда - 9 та ҳолат (81,8%), АОБС билан оғриган беморларнинг чап томонлама қон таъминоти 8 та (9,5%) қайд этилган; БПБС бўлган беморларда - 1 (8,3%) ва ЭИСС билан оғриган беморларда - 1 та (9,1%). Мувозанатли турдаги қон таъминоти А, В ва С-кичик гуруҳлардаги беморларда 3 (3,6%), 2 (16,7%) ва 1 (9,1%) ҳолатларда кузатилган.

НС шаклига қараб АСС/АНА таснифига кўра, таҳлил натижасида АОБС ва ЭИСС да С-типдаги шикастланишлар кўпроқ қайд этилиб, бу 70,0% ҳолатларга тўғри келади. БПБС ҳолатларининг энг кўп сони А-типига тўғри келиб, 75,0% ни ташкил қилди. А-кичик гуруҳдаги барча зарарланган сегментларнинг йиғиндиси 116 тани ташкил этди, ўртача 1 бемор учун 1,38 стенозланган сегмент тўғри келади. В-кичик гуруҳида зарарланган сегментларнинг умумий сони 21, бир беморга 1,75; С-кичик гуруҳида шунга ўхшаш маълумотлар мос равишда 16 ва 1,45 ни ташкил этди.

Бир қон-томирли зарарланишлар кўпроқ А-кичик гуруҳининг беморлари, яъни АОБС билан оғриган беморларда кузатилди. Бундан фарқли ўлароқ, икки томирли зарарланишлар ҳолати кўпроқ В-кичик гуруҳининг респондентларида яъни БПБС ли беморларда қайд этилган. Бунда 4 нафар беморда (33,3%) КАГ вақтида коронар артерияларда стеностик ўзгаришлар кузатилмаган. С-кичик гуруҳ беморларида бир/икки қон-томир шикастланишлари нисбати тахминан 1/1 (аниқроғи 1,2 / 1) га тенг бўлган. Қон-томирлар шикастланишининг ўртача узунлиги (L) БПБС ли беморларда энг кичик ва АОБС бўлган беморларда энг катта бўлган.

Шундай қилиб, тадқиқотнинг ушбу қисми шуни кўрсатдики, НС да касалликнинг шаклидан қатъий назар ОҚШ, ЎКА ва ҚШ энг кўп учрайдиган ҳавзалардир. БПБС ли беморларда ЎКА ва ҚШ ҳавзаларининг шикастланиши АОБС га қараганда 2 баробар ва ЭИСС га қараганда 1,5 баробар кўпроқ қайд этилган. АОБС ва ЭИСС билан С-типидаги стеноз тез-тез қайд этилди (70,0%) ва БПБС билан А-типи энг кўп (75,0%) ҳолатларда қайд этилди. АОБС билан бир/икки томирли зарарланишлар нисбати 2,5 / 1 ни ташкил этди, БПБС билан - 1/2 ва ЭИСС билан - 1/1. БПБС билан 1/3 ҳолатда ташхис вазоспазм туфайли бўлган, чунки коронар артерия зарарланишлари аниқланмаган.

Юрак ичи гемодинамик параметрларини баҳолашда асосий эхокардиографик параметрлар таҳлил қилинди. Бунда НС билан оғриган беморлар ва ТЗС билан оғриган беморлар орасида сезиларли фарқлар аниқланмади, бунда фақат НС билан оғриган беморларда паст бўлган зарба

ҳажмини бироз паст бўлиши:  $79,51 \pm 19,34$  мл дан  $87,38 \pm 17,84$  мл ( $p=0,003$ ) ва чап қоринча миокарди массасини НС ли беморларда ТЗС ли беморларга нисбатан бироз юқори бўлиши:  $196,08 \pm 58,23$  гр. vs  $183,44 \pm 41,41$  гр. ( $p>0,05$ ) бундан мустасно. Чап қоринча миокарди массасини кўпайиши чап қоринча бўшлиғининг ортиб бораётган ҳажмини қоплашга қаратилган адаптив миокард реакцияларидан бири сифатида амалга оширилади. Бунда мослашув даражаси ОДХ/ЧҚММ нисбати орқали баҳоланади. Одатда бу кўрсаткич  $1,1$  мл/г дан ошмаслиги керак. Бизнинг тадқиқотимизда назорат гуруҳидаги бу кўрсаткич  $1,06$  мл/г ни, НС билан касалланган беморларда эса -  $0,35$  бирликга кичиклиги кузатилди. Умуман олганда, 1-гуруҳ беморларида ҳам, 2-гуруҳ беморларида ҳам миокарднинг адаптив реакциялари стандарт кўрсаткичлардан ошмади. Буни беморларнинг таҳлил қилинган гуруҳларида чап қоринча деворларининг нисбий қалинлигини (ДНҚ) ўлчаш вақтида ўз тасдиғини топди.

Миокарднинг систолик функцияси, яъни унинг кўрсаткичи - ЧҚОФ НС билан оғриган беморларда назорат гуруҳининг худди шундай кўрсаткичига нисбатан пастроқ бўлди (ЧҚОФ 1-гуруҳда -  $61,72 \pm 7,14\%$  ва 2-гуруҳда -  $59,55 \pm 8,03\%$ ;  $p = 0,083$ ).

НС билан оғриган беморлар гуруҳидаги эхокардиографик параметрларнинг тўғридан-тўғри таҳлили шуни кўрсатдики, энг кичик ҳажмлар С-кичик гуруҳнинг одамларида қайд этилган, яъни ЭИСС билан оғриган беморларда. Шунингдек, ушбу беморларда миокард девори қалинлигининг нисбатан паст кўрсаткичлари кузатилди, бу ЧҚММ нинг қуйи даражасига тўғри келди, бу АОБС билан оғриган беморларга нисбатан  $16,6$  гр. ва БПБС ли беморларга нисбатан  $8,5$  граммга пастроқ.

Миокарднинг систолик функцияси, яъни ЧҚОФ АОБС ва БПБС билан оғриган беморларда таққосланарли даражада яқинлигини кўрсатди ( $60$  ва  $61\%$ ). АОБС билан оғриган беморларда бу кўрсаткич бироз пастроқ бўлиб,  $57,7\%$  ни ташкил этди. Булар ўз навбатида, чап қоринчанинг глобал қисқарувчанлиги НС нинг ҳар хил шакллари ўртасида жиддий фарқларни аниқламади. Шу муносабат билан биз 16-сегментли схемадан фойдаланган ҳолда, маҳаллий қисқарувчанликни индексини (МҚИ) ҳисоблаш орқали чап қоринча маҳаллий қисқарувчанлигини бузилишини баҳоладик. Ушбу позициялардан маълум бўлишича, МҚИ нинг энг паст кўрсаткичлари В-кичик гуруҳдаги беморларда (БПБС билан оғриган беморларда) кузатилган бўлиб, бу кўрсаткич А-кичик гуруҳдаги беморларга нисбатан (АОБС билан оғриган беморларга)  $0,18$  баллга, С-кичик гуруҳдаги беморларга (ЭИСС билан оғриган беморларга) нисбатан  $0,23$  баллга камроқ бўлган. МҚИ нинг энг юқори даражаси С-кичик гуруҳ респондентларида қайд этилган бўлиб,



бунда унинг қиймати АОБС бўлган респондентларга нисбатан 0,05 баллга ва БПБС ли беморларга нисбатан 0,23 баллга юқори бўлган. ОҚШ орқали қон билан таъминланадиган миокард 1-2, 7-8, 12-14 ва 16-сегментлар учун МҚИ ўртача кўрсаткичи АОБС ли беморларда  $2,33 \pm 0,20$  балл, БПБС билан оғриган беморларда  $1,82 \pm 0,21$  балл ва ЭИСС билан оғриган беморларда  $2,38 \pm 0,55$  баллни ташкил этди. Бундан келиб чиқадики, БПБС бўлган беморларда ОҚШ патологик жараёнга АОБС ва ЭИСС билан оғриган беморларга қараганда камроқ жалб қилинган. Бу олдинроқ ангиографик параметрларни баҳолашда аниқланган, унда БПБС да ОҚШ шикастланишлари 50% ҳолатларда қайд этилган.

ЎКА орқали қон билан таъминланадиган миокард 5-6, 11 ва 15-сегментларида МҚИ ўртача кўрсаткичи АОБС билан оғриган беморларда  $1,46 \pm 0,06$  баллни, БПБС ли беморларда  $1,52 \pm 0,13$  баллни ва ЭИСС билан оғриган беморларда -  $1,20 \pm 0,08$  баллни ташкил этди. Булар ушбу сегментлардаги МҚИ ўртача кўрсаткичи юқорида айтиб ўтилганидек, БПБС ли респондентлар орасида юқори бўлиб, бу ҳавза 41,7% ҳолатларда зарарланган.

3-4 ва 9-10-сегментларда ўртача МҚИ қийматини ҳисоблаш шуни кўрсатдики, АОБС билан бу кўрсаткич  $1,17 \pm 0,03$  балл, БПБС билан -  $1,38 \pm 0,08$  балл ва ЭИСС билан -  $1,53 \pm 0,22$  баллни ташкил қилди. Бу ЭИСС билан оғриган беморларда ушбу сегментларни қон билан таъминлаб берувчи ҚШ ҳавзасининг зарарланиши НС нинг бошқа шаклларига қараганда кўпроқ даражада аниқланган.

МҚИ ўртача қийматларини ҳисоблаш НС нинг ҳар хил шаклларида регионал қисқарувчанликни баҳолашда кўпроқ маълумот бериши маълум бўлди. МҚИ нинг энг паст кўрсаткичлари БПБС бўлган беморларда, энг баланд кўрсаткичи ЭИСС билан оғриган беморларда кузатилди.

Липидограмма кўрсаткичлари қиёсланганда шуни кўрсатдики, НС билан оғриган беморларда ТЗС ли беморларга нисбатан қоннинг умумий холестерин миқдори (ҚУХ) 10,25 бирликка, триглицеридлар миқдори (ТМ) - 48,68 бирликка камлиги аниқланди ( $p < 0,05$ ). Шунингдек, НС билан оғриган беморларда жуда паст зичликдаги липопротеинлар (ЖПЗЛП) кўрсаткичи таққослаш гуруҳига қараганда 9,27 бирликка камроқ бўлган ( $p > 0,05$ ). Аксинча, НС билан оғриган беморлар гуруҳида юқори зичликдаги липопротеинлар (ЮЗЛ) миқдори 37,7 мг/дл ни ташкил этиб назорат гуруҳига қараганда 2,17 бирликка кўплигини тасдиқлади. Бу ўз навбатида холестериннинг атерогенлик коэффициентини (ХАК) ҳисоблашда ҳам ўз тасдиқини топиб, 2-гуруҳдаги респондентлар орасида  $3,79 \pm 1,14$  у.е. ни, 1-гуруҳ беморларида эса -  $4,44 \pm 1,36$  у.е.ни ташкил қилди ( $p = 0,001$ ).

Умумий холестерин ва триглицеридлар ҳамда қон-томир узунлиги ўртасида ўтказилган корреляцион таҳлил улар ўртасидаги тўғридан-тўғри пропорционал боғлиқлик борлигини аниқлади, аммо бу ишончлилик даражасига эришмади ( $p = 0,432$ ;  $r = 0,077$ ;  $t = 0,787$ ) ва  $p = 0,312$ ;  $r = 0,098$ ;  $t = 1,014$  мос равишда).

Липид профилининг параметрларини НС шаклига қараб ўрганилганда, УХ қийматлари АОБС энг катта бўлиб  $181,13 \pm 50,07$  мг / дл ни ташкил қилди; ЭИСС билан  $= 170,00 \pm 45,53$  мг / дл; ва БПБС билан умумий холестерин миқдори энг камлиги аниқланди ( $168,33 \pm 39,61$  мг / дл.). Кўриб чиқилган гуруҳлардаги ТГ кўрсаткичлари АОБС, ЭИСС ва БПБС учун мос равишда  $178,46 \pm 109,51$  мг / дл,  $193,91 \pm 88,73$  мг / дл ва  $164,33 \pm 121,02$  мг / дл ларни ташкил қилди. Бу атерогенлик коэффицентини ҳисоблашда ҳам тасдиқланди ва бу кўрсаткич БПБС билан касалланган беморларда энг кичик бўлиб ( $= 3,57 \pm 1,07$  у.е.), АОБС ва ЭИСС респондентлари орасида юқори (АОБС  $= 3,83 \pm 1,11$  у.е., ЭИСС  $= 3,74 \pm 1,48$  у.е.) лиги маълум бўлди. Шундай қилиб, БПБС бўлган беморларда липид профилининг асосий кўрсаткичлари меъерий кўрсаткичлардан ошмаганлиги, шу билан бир қаторда НС нинг бошқа шаклларига нисбатан ЭИСС да ТГ миқдори юқорилиги аниқланди.

Ҳаёт сифатини баҳолаш (ХСБ) дастлабки босқичда НС билан оғриган беморларда нафақат жисмоний (бу жисмоний фаолият (ЖФ), жисмоний бошқариш функцияси (ЖБФ), оғриқ интенсивлиги (ОИ) ва умумий саломатлик (УС), балки саломатликнинг руҳий компонентида (ҳаётий фаоллик (ХФ), ижтимоий фаолият (ИФ), эмоционал бошқариш функцияси (ЭБФ) ва руҳий саломатлик (РС)) ҳам чегараланишлар борлиги аниқланди. Маълумки, ҳар бир таркибий қисм учун кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, ушбу параметр учун ҳаёт сифати яхшироқ бўлади, аммо бизнинг тадқиқотимизда SF-36 сўровномасининг ҳеч бир таркибий қисми 100 баллга эришмади. Хусусан, НС билан оғриган беморларда ЖБФ ўртача даражаси назорат гуруҳига нисбатан 7,71 баллга камроқ бўлди ( $p < 0,05$ ). Бу жисмоний саломатликнинг умумий таркибий қисмида ҳам (СЖК) ўз аксини топиб, НС билан оғриган респондентлар орасида таққослаш гуруҳига қараганда 2,75 баллга паст бўлиб 44,63 баллни ташкил этди ( $p < 0,0001$ ).

Шуниси эътиборга лойиқки, НС билан оғриган беморларда оғриқ даражаси назорат гуруҳидаги худди шу кўрсаткичга нисбатан 3,34 баллга паст бўлиб, бу юқори эҳтимол билан шифохонага ётқизилгунга қадар ўтказилган оғриқсизлантириш чоралари билан боғлиқ.

НС ли респондентлар гуруҳи ичидаги умумий ва руҳий саломатликни қиёсий таҳлили улар орасида руҳий саломатликни сақланиб қолганлигини,

бирок умумий саломатликни пасайганлигини кўрсатди. Назорат гуруҳида руҳий саломатлик кўрсаткичлари НС билан оғриган беморларнинг кўрсаткичлари билан деярли бир хил, умумий саломатлик кўрсаткичи НС ли беморларга нисбатан 5,28 баллга юқорилиги аниқланди.


НС ни турли шакларида ҳаёт сифатини таҳлил қилиш қуйидагиларни аниқлади. Касалликнинг барча кўриб чиқилган шакларида ЖФ кўрсаткичи деярли бир хил бўлиб (68,5 баллдан 70,5 баллгача), гуруҳлараро фарқ 0,5 дан 2 баллгачани ташкил қилди (2-расмга қаранг).

ЖБФ кўрсаткичи АОБС да нисбатан меъёрга яқин бўлиб, БПБС ли ва ЭИСС ли беморларда ушбу кўрсаткич АОБС дагидан кўра 1,43 ва 1,28 марта пастлиги маълум бўлди.

ОИ нинг энг юқори кўрсаткичи АОБС ли беморларда кузатилди (46,3 балл), энг пастли - ЭИСС билан 42,4 баллни ташкил этди. Ушбу маълумотлар оғриқ жисмоний фаолиятни сезиларли даражада чеклашини кўрсатади. Демак НС да унинг шаклидан катъий назар ривожланган оғриқ мавжуд бўлиб, у беморларни умумий жисмоний саломатлик кўрсаткичини пасайтиради.

Бирок, УС кўрсаткичи АОБС да нисбатан юқори бўлиб 52,5 баллни ташкил этди, аксинча, ЭИСС ҳолатида УС қийматлари энг пастлигини кўрсатди (42,3 балл). Бу эса ҳақиқий ҳолатни кўрсатиб, ЭИСС ташхисли беморда олдиндан жиддий юрак қон-томир талофати бўлиб ўтганлигидан ёки бундай ҳолат мавжудлигидан далолат берса, АОБС ташхиси касалликни асоратланиши ёки ёмонлашишидан дарак беради (2-расмга қаранг).

Юқорида кўрсатилган барча тавсифлар биргаликда СЖК ни ташкил қилишини инобатга олинса, АОБС да ушбу кўрсаткични ЭИСС ва БПБС га нисбатан бир оз юқорилигини, бирок БПБС да СЖК кўрсаткичи энг пастлиги аниқланди (2-расмга қаранг).



2-расм. НС турли шаклларида саломатликнинг жисмоний компонентларини таққослаш

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек ҲФ, ИФ, ЭБФ ва РС СРК нинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Ушбу позициялардан маълум бўлдики, ҲФ кўрсаткичлари БПБС ли беморларда энг юқори, АОБС респондентларида энг паст бўлди. ИФ даражаси ЭИСС да энг паст, АОБС ва БПБС да ушбу кўрсаткич деярли ўхшаш бўлди.

ЭБФ томонидан қандайдир номутаносиблик аниқланди. ЭИСС ли беморларда яхши кўрсаткичлар аниқланди. Эҳтимол бу гуруҳдаги беморлар сонининг оз миқдордалиги билан боғлиқдир.

РС ни баҳолаш БПБС ва ЭИСС да деярли бир хил кўрсаткичларни, АОБС да эса нисбатан юқори кўрсаткичларни кўрсатди. РС кўрсаткичларини паст бўлиши таҳлил қилинаётган гуруҳлардаги беморлар нозологиялари туфайли пайдо бўлган руҳий нотинчликлар билан боғлиқдир.

